Ушбу сонда:

2 ХУСУСИЙ КОРХОНА МУВАФФАҚИЯТИ

3 *Қонун барчага баробар* ПЕНСИОНЕРЛАР ҲИСОБИДАН «ТАДБИРКОРЛИК»

4 *Эл нетиб топғай меники...* ҲИРОТ АДАБИЙ МУҲИТИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 9 август, сешанба № 125 (1966)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## МАРҒИЛОНГА ТУҲФА

***Марғилон шаҳрида мустақиллигимизнинг 14 йиллигига муносиб тўёна ҳозирланмоқда. Бу ерда барпо этилган миллий ҳунармандчилик коллежи ҳадемай ўқувчиларни бағрига олади. Коллежни тез ва сифатли битказишда «Фартибқурилиш» хусусий корхонаси қурувчиларининг хизмати катта бўлмоқда. Улар лойиҳадаги 592 миллион сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишларини туғаллаш арафасида. Шунингдек, бу ерда спорт мажмуаси ҳам қад ростламоқда.***

- Биз олиб борилаётган қурилиш ва таъмирлаш ишларидан мамнунмиз, - дейди коллеж директори Зиёдахон Азимова. - Чунки 450 ўринли коллежимиз бутунлай янгидан бунёд этилмоқда. Бу ерда саккиз хил йўналишда миллий ҳунармандчилик сирлари ўргатилади.

(ЎзА)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида

***Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотининг энг муҳим вазифаси инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланади.***

Сўнгги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди.

Судларнинг жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилиши қонунан мустаҳкамлаб қўйилди, бу эса ишларни кўриб чиқиш сифати ошишини таъминлади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтирди. Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилиши суд хатоларини ўз вақтида тузатиш, суд ишларини юритишда сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Кассация инстанцияси ислоҳ қилинди: фуқаролар қонуний кучга кирган суд қароридан норози бўлган тақдирда ўз ҳуқуқларини мазкур инстанцияда шахсан ва бевосита ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлдилар. Суд процессида айблов билан ҳимоянинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини, уларнинг тортишув принципини амалга оширишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар яратилди.

Дастлабки тергов муддатлари икки йилдан бир йилгача ҳамда айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддатлари бир ярим йилдан 9 ойгача, алоҳида ҳолларда эса 1 йилгача қонун йўли билан қисқартирилди. Шунингдек, ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш доираси чекланди.

Қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини либераллаштириш бўйича юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши судгача тергов, одил судловнинг тезкорлиги ва сифати ошишини, суд процесси иштирокчилари ҳуқуқларига риоя этилишининг процессуал кафолатлари кенгайишини таъминлади.

Мамлакатда рўй бераётган судгача терговни либераллаштириш далолати сифатида фуқароларни қамоққа олиш тариқасидаги эҳтиёт чорасидан фойдаланиш сўнгги 4 йилнинг ўзида икки баравардан кўпроққа қисқарди.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришнинг энг муҳим вазифаси судгача тергов босқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш бўйича суд ваколатларини кенгайтириш, энг аввало, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратура органларидан судларга ўтказишдан иборатдир. Ушбу чора фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик борасидаги конституциявий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради. Шу билан бирга бу шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги белгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига ҳам тўла мос келади.

(Давоми 2-бетда)

***Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида Термиз шаҳрида замонавий, барча қулайликларга эга уч юлдузли меҳмонхона - «Меридиан отел» фойдаланишга топширилди.***

## «УЧ ЮЛДУЗЛИ» МЕҲМОНХОНА

Термиз - бой тарих, қадимий маданиятга эга, кўҳна ва навқирон шаҳарлардан бири. Шу боис, ҳар йили уни зиёрат қилиш учун юртимизнинг турли бурчакларидан, хориждан минглаб сайёҳлар ташриф буюради. Янги меҳмонхона уларга янада намунали, замон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш мақсадида бунёд этилди.

Туркиялик қурувчилар билан ҳамкорликда барпо этилган олти қаватли меҳмонхона шинам номерлар, қабуллар ва конференция зали, ресторан ва даволаш-профилактика мажмуасидан иборат.

## ШИФОКОРЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Мустақиллик байрами арафасида Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қашқадарё вилоят филиалига ўнта махсус «Дамас» автомашинаси тантанали равишда топширилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари, маҳалла оқсоқоллари, касаба уюшмалари вилоят кенгаши, «Нуроний» жамғармаси ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар бу мамлакатимиз мустақиллиги, тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар самараси эканини таъкидлаб, эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик изҳор этдилар.

- Марказимизга аввал ҳам учта тез тиббий ёрдам машинаси берилган эди, - дейди филиал бош врачи, тиббиёт фанлари номзоди С.Махматмўминов. - Ҳозирги вақтда 37 та «Тез ёрдам» машинаси вилоят аҳолисига хизмат қилмоқда. Бугун улар сафига яна ўнта машина қўшилди. Бу соғлиғимиз посбонларининг ўз хизмат вазифасини вақтида бажариши ҳамда халқимиз саломатлигини сақлаш йўлида янада самарали меҳнат қилишлари учун кенг имкон яратади.

**«Европа - Берлин дўстлик жамияти» раиси В.Фурман:**

## «ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИЯТИНИНГ МУҲИМ ҚАДАМИ»

***Ўлим жазоси, уни қўллаш ёки бекор қилиш муаммоси илгаридан олимлар, ҳуқуқшунослар, сиёсатчилар, жамоат арбоблари ва бошқаларнинг диққат марказида бўлиб келяпти. Табиийки, уларнинг ҳар бири турли хил, баъзида эса бир-бирига қарама-қарши ечимларни таклиф қилишган. Умуман, жаҳон ҳамжамияти инсонни жиноий жазолашда адолат тамойили устувор бўлиши тарафдоридир. Бу ўта долзарб масалада мамлакатимизда одамийлик, инсонпарварлик ҳамоҳанг бўлишига интилиб келинмоқда.***

Мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилаётган энг фаол иштирокчиларидан биридир. Қарийб, 14 йил ичида мамлакат Парламенти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг талабларини адо этиб, инсон ҳуқуқларига оид энг муҳим халқаро ҳужжатларни ратификация қилди. Бунинг ғоятда муҳим жиҳати шундаки, XXI асрда БМТ Инсон, унинг ҳуқуқлари, манфаатлари масаласига алоҳида эътибор қаратади.

Ўзбекистон давлатчилигининг тарихидан маълумки, табиатнинг олий санъати инсонни эъзозлаш, улуғлашга оид қадриятлар миллий маданиятимизда алоҳида ўрин эгаллаб келган. Зеро, халқимиз фахри ва ақл кўзи бўлмиш алломаларимиз, олиму уламоларимиз ўз асарларида инсон шаъни-шавкатини баланд кўтаришга оид фикр мулоҳазалар билдирганлар. Улар асосида Мовароуннаҳрда яратилган меъёрий ҳужжатлар чин инсонийлик сифатлари билан йўғрилган. Аммо, асрлар мобайнида ҳазрати инсон - меҳнаткашнинг сариқ чақалик қадри бўлмади. Зуғум, бедодлик, адолатсизлик, жабр-ситам қурбони бўлди улар. Немис олими Гетцель ўлим жазосининг тарихига оид маълумотлар асосида бу жазо адолатсизлик тимсоли ва ноақлликдан иборат вахшийликдир, деган хулосага келган. Энг даҳшатлиси, бу жазо билан айбсиз инсонларнинг ҳаётига зомин бўлиш мумкин. Ўтмишдан бунга мисоллар оз эмас. Маълумотларда ёзилишича собиқ Шўро даврида суд ҳукми ва маъмурий тузилмаларнинг қарорлари, ҳатто "олий раҳбариятнинг розилиги" асосида 800 мингга яқин бегуноҳ шахс "аксилинқилобий" жиноятлари учун отиб ташланган. Фақат мустақиллик туфайлигина юксак даражада қадр, эъзоз топдик. Конституциямиз қабул қилиниб, унга асосан Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият деб эълон қилинди.

> **«Давлатимизнинг жиноятга оид сиёсати ўлим жазосини қўллашга нисбатан жаҳон тенденцияларига тўла мос келади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эълон қилинган инсонпарварлик ва одиллик тамойилларини изчил ифода этади»**
>
> (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонидан)

Бошқа соҳалар қаторида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда ғоятда муҳим, кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий, ташкилий, халқаро ҳуқуқий асослари яратилди. Бу нималарда кўринади? Аввало, Парламентимиз томонидан Ўзбекистон Конституцияси, 15 та Кодекс, 400 дан зиёд Қонун қабул қилинди. Кейин, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), демократик институтлар фаолият юритаяпти.

Мамлакатимизда қатор йиллар давомида жиноий қонунчиликни эркинлаштириш юзасидан изчил саъй-ҳаракат амалга ошириб келинмоқда. Бунинг самараси ўлароқ жиноят учун жазо тайинлашда тобора инсонпарварлик тамойиллари ила йўғрилиб бораётган янгича демократик ёндашувлар юзага келди. Ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги бу туб ўзгаришлар мамлакатда ижтимоий-сиёсий вазиятга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Эътибор қилайлик, дастлаб Жиноят кодексида 86 та ёки 18,7 фоиз жиноят катта ижтимоий хавфи бўлмаган жиноятлар сирасига киритилган эди. Жиноий қонунчилик эркинлаштирилганидан сўнг бу борадаги жиноятларга яна 110 турдаги жиноятлар киритилди. Шу билан бирга жиноят содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий санкциялар қўллаш янада кенгайди.

Мамлакатимизда 10 йилдан ортиқ вақт ичида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар таркиби 33 тадан иккитага қисқарди. Мана шунинг ўзиёқ Ўзбекистонда ўлим жазосининг қўлланилиши жаҳондаги тенденцияларга мувофиқ босқичма-босқич камайиб борганлигини кўрсатади. Ўлим жазосини бекор қилиш мустақил Ўзбекистон дунё ҳамжамиятининг тўлақонли субъекти бўлиш, том маънода инсонпарвар демократик, ҳуқуқий давлат қуриш йўлида дадил қадам ташлаётганидан далолатдир. БМТ Бош ассамблеясининг XXXII сессияси (1977 йил 9 декабр) қабул қилган 32/61-сон резолюциясида жумладан шундай дейилади: "Ўлим жазоси тўғрисидаги масалада кўзланиши лозим бўлган асосий мақсад мазкур жазони бекор қилиш мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиб, ўлим жазоси қўлланиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар сонини мумкин қадар камайтиришдан иборат".

Демак, кўринадики, БМТ Бош ассамблеясининг юқорида қайд этилган сессияси қабул қилган резолюция талаблари Ўзбекистонда бажарилди. Вақт энг яхши ҳакам. Юртимизда амалга оширилаётган жамият ва давлат ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасидаги ислоҳотларнинг моҳияти ва мазмуни, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинишини ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштириш заруратини тақозо этдики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Бу билан таъкидланаётганидек, Ўзбекистон Республикаси ўзининг ҳуқуқий тизимини либераллаштириш ва мамлакатда қонун устуворлигини тасдиқлаш йўлида дадил қадам ташлади. "Европа - Берлин дўстлик жамияти"нинг раиси В. Фурман ўз фикрини қуйидагича баён этади: "Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар, жумладан, суд-ҳуқуқ ва маъмурий тизимдаги ислоҳотлар рўёбга чиқарилаётганини қўллаб-қувватлаш керак. Бу ўзгаришлар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бошқа соҳаларини ҳам янада ривожланишини таъминлашга қаратилгандир. Шу маънода ўлим жазосининг бекор қилиниши Ўзбекистон раҳбариятининг муҳим қадами ҳисобланади".

**М. ИЛЁСОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

## Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида

***Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағларини депозитларга жалб этиб, уларни айланмага қўйиб ва шу ҳисобдан банк даромад олиб, амалда омонатчилар ҳисобига манфаат кўриб, айни вақтда ўзларининг омонатчилар олдидаги тўғридан-тўғри мажбуриятларини аниқ бажармасдан, уларнинг қонуний талаблари ва эхтиёжларига бефарқ қараётганликлари, бунинг устига омонатчиларнинг буюртмаларини қондириш чоғида ўз мавқеини суиистеъмол қилиб, уларнинг манфаатларини писанд қилмасликлари мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатлар деб ҳисоблансин.***

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг вилоят ва шаҳар бўлимлари фаолиятида ҳам худди шундай ҳолатлар мавжуддир.***

***Шуни назарда тутиш керакки, бундай муносабат банкларга нисбатан ишончга путур етказмоқда, омонатчиларнинг асосли норозилигига сабаб бўлмоқда, аҳоли, тадбиркорлар ва бизнесменларни, хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга қўйишни чеклаб, уларни жалб этишни рағбатлантирмайди, нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга ёрдам бермайди, бутун пул муомаласи тизимини беқарорлаштириб мамлакатга катта иқтисодий зиён етказмоқда.***

***Кўрсатиб ўтилган камчиликларни батамом тугатиш, нақд пул муомаласини янада мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пуллар банклар томонидан узлуксиз бериб борилишини таъминлаш мақсадида:***

1. Тижорат банклари томонидан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банклардаги депозит ҳисобварақларга жалб этишни рағбатлантириш ҳамда биринчи талаб бўйича уларнинг ҳисобварақларидан нақд пуллар чекловсиз берилишини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар қониқарсиз деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари ходимларининг бюрократик, сансалорлик, лоқайдлик ва таъмагирлик ҳолларини жуда қисқа муддатларда тугатиш учун қонунда ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда унга берилган барча таъсир кўрсатиш механизмлари ва воситаларидан кенг фойдалансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари 2005 йилнинг 1 сентябригача аҳоли, хўжалик юритувчи субъектлар, жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг талаби бўйича нақд пуллар узлуксиз берилишини таъминлаш мақсадида банклардаги депозит ҳисобварақларда бўлган пул маблағларини бериш тартиби ва амалдаги низомни қайта кўриб чиқиш борасида зарур чоралар кўрсин.

Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга депозит ҳисобварақлардан нақд пуллар узлуксиз берилиши тижорат банкларининг чорак, ярим йиллик ва йиллик иш якунларини сарҳисоб қилишда улар фаолияти самарадорлиги ва ишончлилигини баҳолашнинг энг муҳим мезонларидан бири деб ҳисоблансин.

(Давоми 2-бетда)

***Юртимизда катта тўйлар ва муҳим саналар арафасида янги иншоотлар, турар-жой объектлари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари, йўл ва кўприклар, гузар ва хиёбонлар бунёд этиб, фойдаланишга топшириш қутлуғ анъанага айланган.***




## РАВОН, ҚУЛАЙ ВА ЧИРОЙЛИ

Пойтахтимизнинг Сирғали туманида куни кеча қурилиши тугалланган Тошкент автомобиль халқа йўлининг 61-километри транспорт ечимидаги йўл ўтказгич - кўприк ҳам ана шундай иншоотлар сирасидан. «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Йўллойиҳабюро» давлат унитар корхонаси ҳамда «ТошкентбошпланЛИТИ» институти ходимлари томонидан лойиҳалаштирилган ушбу объект қисқа муддат - 4 ойда бунёд этилди.

Узунлиги 50 метр, эни 37 метр ҳамда баландлиги 5,5 метрни ташкил этадиган мазкур иншоотни бунёд этишда пудратчи - Кўприк қурилиш трестининг 13-кўприк қуриш отряди қурувчилари, «Андижонкўприк» ҳамда «Осиёкўприк» масъулияти чекланган жамиятлари ва бошқа меҳнат жамоалари ишчилари фидокорона меҳнат қилдилар. Иншоотнинг зилзилабардошлилигини таъминлаш мақсадида унга 32 та улкан оралиқ қурилма - йигирма тўрт метрлик темир-бетон тўсинлар қўйилди.

- Янги кўприкдан саккиз қатор транспорт бемалол ҳаракат қила олади, - дейди Кўприк қурилиш трестининг 13-кўприк қуриш отряди бош муҳандиси муовини Қобул Алихўжаев. - Мазкур ўтказгич Тошкент орқали ўтадиган маҳаллий ва хорижий транзит транспорт воситалари учун шаҳарга кирмасдан, ўз йўналиши бўйича ҳаракатини давом эттириш имконини яратади. Айни пайтда шаҳар ичкарисидаги транспорт ҳаракатини янада тартибга солишга хизмат қилади.




Янги кўприк қурилиши билан боғлиқ равишда Қўйлиқ, Сирғали йўналиши, Усмон Носир ва Гавҳар кўчалари бир мунча кенгайтирилди. Жумладан, Сирғали йўналишини кесиб ўтувчи узунлиги 40 метрлик эски темирйўл ўтказгичининг кенглиги деярли икки баробар ортди. «Тошшаҳарнур» давлат унитар корхонаси кўприк ва йўл чеккаларига чироқлар ўрнатди. Айни кунларда Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасининг қўли гул мутахассислари бу ерда кўкаламзорлаштириш, ирригация-суғориш тармоқларини йўлга қўйиш ишлари билан банд.

- Сирғали йўли тор, халқа йўлдан ўтувчи транзит автомобиллар ҳисобига бу ерда тез-тез тиқилинч ҳолатлар бўлиб турарди, - дейди автобус ҳайдовчиси Э.Ҳакимов. - Эндиликда бу равон йўлларда машина бошқариш одамга завқ бағишлайди. Негаки, чорраҳаларда аввалгидай йўл бўшашини кутиб қолишлар йўқ, ҳаракат хавфсизлиги нуқтаи назаридан йўналишлар оралиғи темир-бетон тўсиқлар билан ажратилган. Равон, қулай ва чиройли!



Бундай миннатдорлик туйғулари акс этган фикрларни кўплаб ҳайдовчилардан эшитиш мумкин. Муҳими, йўлсозу кўприксозлар янги йўл ўтказгич билан чекланиб қолмоқчи эмас. Улар бу кўприк орқали пойтахтнинг йирик ва гавжум бозори - Отчопарга кенг йўл очишмоқчи. Ана шунда Тошкент автомобиль халқа йўлида транспорт оқимининг ҳаракати янада осонлашади. Янги кўприк бир кеча-кундузда 25 минг транспорт воситасига хизмат қилади.

(ЎзА)

